КЕКСАЛАРГА БЕПУЛ ОБУНА

АНДИЖОН. Яхши сўз ҳам садақа. Маърифат улашмоқ эса савоб. Бу борада шаҳардаги хусусий марказий универсал магазини бош директори Ойбек Шамсутдинов ибрат кўрсатди. У 31 нафар меҳнат фахрийсини ўз ҳисобидан 1997 йил учун "Ўзбекистон овози" га обуна қилиб, кексалар дуосини олди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

СЎНГГИ СОАТДА

ТАШАББУСКОРЛАР — ЭЛ ТАЯНЧИ

ЖИЗЗАХ. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши Фориш туманидаги "Туркистон" ижара ширкатлари бирлашмасида "Ташаббускорлар — эл таянчи" мавзуида дала суҳбатини ташкил этди. Йиғилишда теримчилар, механизаторлар ва хизмат кўрсатган пахтакорлар қатнашдилар. ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Г. Субҳонова партия аъзоси У. Бобошевга "Йиғим-теримда фаол оила", А. Мамутовга "Терим машинасидан унумли фойдаланганлиги учун", Б. Сейдановга "Саховатли фермер" совринларини топширди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

"КАМОЛОТ"НИНГ КАМОЛОТИ

НАМАНГАН. Вилоят матбуот нашрлари қаторига "Камолот" номли янги ёшлар газетаси қўшилди.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими таъсис этган мазкур газетанинг биринчи сонидан вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Б. Рапиғалиевнинг табриги, самимий тилаклари жой олган. Ёшлар жамғармаси вилоят бўлими раиси И. Шарофиддиновнинг "Ватан равнақи ёшларга боғлиқ", "Наргиза Америкада ўқиб келди", "Саркардалик маҳорати" сингари мақолалар истеъдодли ёшларнинг шеърлари, оҳори тўкилмаган хабарлар, дид билан танланган суратлар янги газета қиёфасини очган.

Ҳозирча у ойда икки марта ўз ўқувчилари қалбига йўл излайди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЯНГИЛИКЛАР, ФАКТЛАР

МУКОФОТГА МАШИНА

НУКУС. Йиллик режани Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб уддалаган Тўрткўл туманидаги "Мискин" ширкатлар уюшмаси жамоасига Республика Жўғорғи Кенгесининг Раиси Уббиниёз Аширбеков "УАЗ-469" автомашинасининг калитини топширди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

СЎНГГИ СОАТДА

"ОТАЖОН" ЭЛ ХИЗМАТИДА

ТОШКЕНТ. Яқинда Бўка туманида яна бир кичик корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Отажон" номини олган ушбу корхона жамоаси аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талабларини баҳолиқудрат қондиришга аҳд қилган.

— Бугунги кунда ўн нафар кишини иш билан таъминладик,— дейди корхона раҳбари Рустамжон Чолдибоев. — Яна бир қанча янги иш ўринларини ташкил қилишга киришганмиз. Якка тартибда уй-жой қурувчилар "Отажон"нинг хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 29 октябрь, сешанба № 139 (22.060).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига
Муҳтарам Президент жаноблари,

Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси янада равнақ топиши ва гуллаб-яшнашини тилаб билдираётган самимий истакларимни қабул этгайсиз.

Айни пайтда Сизни Лондондаги қимматбаҳо металлар бозори уюшмасида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг юқори сифатли кумуш ёмби ишлаб чиқариши тақдимоти қабул қилинганидан хабардор этиш менга мамнуният бағишлайди. Демак, Ўзбекистон Лондонга етказиб бериладиган ҳам сифатли олтин, ҳам сифатли кумуш ишлаб чиқарадиган мамлакат мақомини олди. Ана шу муҳим эътироф муносабати билан самимий табригимни қабул этгайсиз.

Президент жаноблари,
Сизга камоли эҳтиром ила,

Сэр Эвелин де Ротшильд,
Ротшильд ва ўғиллари
банки Президенти.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

28 октябрь куни Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, бир қанча вазирликлар, республика идора ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ғуломқодир Ҳасанов бошқа ишга ўтгани муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Вазирлар Маҳкамаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб келаётган Уктам Исмоилов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади. Юртбошимиз Сирдарё вилояти мамлакат халқ хўжалигида ўзига хос ўрин тутишини, улкан ишлаб чиқариш имкониятларига, деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг бой тажрибасига эга эканини, бу ерда қўриқда деҳқончилик қилиш мактаби яратилганини таъкидлади.

Лекин кейинги йилларда Сирдарё вилоятида халқ хўжалигининг кўп соҳалари бўйича қолоқликка йўл қўйилмоқда. Пахта тайёрлаш топшириғи 1992 йилдан буён бажарилмаётир. Бебаҳо бойлигимиз — ерга эътибор сусайиб кетган. Бунинг оқибатида ўта шўрланган ерлар миқдори икки марта ортди. Бу йил ҳар гектар ердан олинган ғалла ҳосили ўртача 16 центнерни ташкил этди, холос. Узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка етиштириш топшириқлари ҳам бажарилмади.

Бундай вазият биздан зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари. Чунки вақт кутиб турмайди. Сирдарёликлар азалдан меҳнаткаш, заҳматкаш, қийинчиликларни енгиб ўрганган. Эндиги вазифа бор имкониятларни чамалаб чиқиб, мавжуд омилларни ишга солиб, йўл қўйилган хатоларни бартараф этишдан иборат.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Р. Гиниятуллин қатнашди.

(ЎзА).



***СУРАТЛАРДА:** сессия пайти.*

С. ЗУФАРОВ ва Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ИСЛОҲОТ — АВВАЛО ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШДИР.

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 25 октябрь куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концерн, корпорация, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, ислоҳотларнинг бориши, жумладан, Жиззах вилояти меҳнаткашлари эришган ютуқлар, айни чоғда йўл қўйилган камчиликлар, улар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида батафсил гапирди. Вилоятнинг бугунги аҳволини чуқур таҳлил этди.

Мустақил мамлакатимизда бўлаётган ишлар ва тарихий воқеалардан барчангиз хабардорсиз. Юртимизда тарихан қисқа муддатларда оламшумул ўзгаришлар бўлаётгани, Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига мос ва ўзига хос ўрнини эгаллаб олиб, обрў-эътибори ўсаётгани ҳам ҳаммамизни қувонтиради, деди Президент.

Мамлакатимиз ислоҳотларнинг дастлабки, энг қийин, энг оғир босқичини енгиб ўтди, тараққиёт ва ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда.

Маънавий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, бой тарихий ва маданий меросимизнинг тикланиши, улуғ аждодларимизга адолатли баҳо берилиши халқимизни катта бунёдкорликларга даъват этмоқда. Руҳига руҳ қўшмоқда. Соҳибқирон Амир Темур юбилейи чин маънода ўзлигимизни намоён этиш, давлатимиз қудрати ва халқимиз шижоатини кўрсатиш имконини берди.

Меҳнаткаш, мард ва фидойи халқимизнинг она юрт келажаги, унинг истиқболи йўлида қилаётган шижоатли меҳнати, ҳамжиҳатлиги, мамлакат осойишталигининг барқарорлиги дастлабки ютуқларимизнинг энг асосий омили бўлди.

Жамиятда таркиб топаётган янгича муносабатлар асосида иқтисодиётимизнинг барқарорлашувида ва унинг бозор муносабатларига ўтишида Жиззах вилоятининг ҳам катта ҳиссаси, муносиб ўрни бор, деб таъкидлади юртбошимиз.

Жиззах икки минг йилдан кўпроқ тарихга ва гўзал табиатга эга бўлган қадимий маскан. Жиззах вилояти ўз табиатининг хилма-хиллиги билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади. Бу диёрда бамисоли Ўзбекистоннинг гўзал табиати мужассамлашгандек.

Ўзбек халқининг кўп-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган, тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган. Жиззах вилояти халқимизнинг буюк давлат арбоби Шароф Рашидовни вояга етказган юрт эканини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Жиззах чўлини ўзлаштириш ўз даврида халқимиз қаҳрамонлигининг рамзига айланган эди, деҳқончиликда эса ўз технологиясига эга бўлган воҳа сифатида майдонга чиққан эди.

Жиззах воҳаси ҳақида, унинг гўзаллиги ва бетакрорлиги ҳақида, шу юртда яшаётган аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга тўлиқ имконият мавжудлиги ҳақида гапириш учун ҳар қанча асос бор.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, вилоят аҳли қатор ибратли ишларни амалга ошириб келган.

Кейинги 2-3 йил ичида шаҳар ва туманларда ободонлаштириш, айниқса, Жиззах шаҳри қиёфасини миллий услубда бойитиш, бозорлар қуриш каби ишларга сезиларли эътибор берилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ана шу даврда ичида 57 фоиздан 75 фоизга, табиий газ таъминоти эса 48 фоиздан 70 фоизга ўсган.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: охирги йилларда эришилган ютуқлар оз эмас.

Лекин, минг афсуски, бугунги учрашувимизда, аввалгамбор, вилоятда мавжуд бўлган муаммолар, вилоятнинг иқтисоди ва ривожи танг аҳволга тушиб қолгани ҳақида гапиришга мажбурмиз, деди Президент.

Вилоятда ислоҳотларни амалга ошириш, бутун имкониятларни ва аввалгамбор меҳнаткашларимизнинг кучини долзарб масалаларга жалб қилиш, ечилмаган муаммоларни ҳал этиш масалаларида, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга раҳбарлик бўшаштириб юборилган. Туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарларининг қишлоқларда ислоҳотларни амалга ошириш, иш услубини тубдан ўзгартириш, янги агротехника қоидаларини жорий қилишда тадбиркорлиги ва ташкилотчилиги сезилмаяпти, **улар бошқимандалик кайфиятидан холи бўлолмаяптилар.**

Пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва пировард натижаларидан меҳнаткашларнинг манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирларини кўра олмаяптилар.

Ҳозирги кунда вилоятда истиқомат қилаётган 905 минг аҳолининг 618 минг нафари қишлоқда яшайди. Аҳоли асосий қисмининг турмуши қишлоқ хўжалигидан келадиган даромадга боғлиқ.

Вилоятда 1995 йилда ишлаб чиқарилган 18 миллиард сўмлик ялпи маҳсулотнинг 61 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

Шундан, аввалгамбор, қандай хулоса, керак бўлса — қандай сабоқ чиқаришимиз зарур?

Биринчи ва асосий хулоса — қишлоқ аҳолисининг устини бут, қорнини тўқ қилиш учун ердан унумли фойдаланиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш чораларини кўриш керак.

Лекин кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда орқага кетиш кузатилмоқда. **Етакчи тармоқ ҳисобланган пахта етиштиришдаги ишлар мутлақо қониқарли эмас. Белгиланган режалар сурункасига 4 йилдан буён бажарилмай келмоқда.** Ҳозирги кундаги ҳолат бу йил ҳам пахтачиликда дурустроқ натижага эришиш мушкул эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўтган йилнинг якунини 1991 йилга нисбатан солиштирадиган бўлсак, вилоятда 100 минг тоннадан ортиқроқ пахта кам етиштирилган. Бу асосан ҳосилдорликнинг пасайиши ҳисобига камайган. **Кейинги тўрт йил ичида**

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ў. Қ. ИСМОИЛОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Ўктам Қўчқорович Исмоилов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ў. Қ. ИСМОИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўктам Қўчқорович Исмоилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ғ. Б. ҲАСАНОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ғуломқодир Ботиралиевич Ҳасанов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 октябрь.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

КОБУЛ. 28 октябрь (БИ-БИ-СИ). Ҳукумат кучлари бугун кечаси Афғонистон пойтахтига ҳисоб бўйича иккинчи бор авиация зарбасини беришди. «Толибон» кучлари шаҳарни ҳамон ушлаб туришибди, шунингдек, генерал Дўстум жангчилари тўпланган шимолий йўналишда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришяпти.

Кобул (Рейтер). Толибончиларга қарши тўпланган кучлар Кобулнинг ҳаво ҳужумидан ҳимоя кучларига қарши бир неча бор аниқ зарба уришди. Бунинг натижасида, айрим гувоҳларнинг таъкидлаб ўтишларича, толибларнинг ҳаво ҳужумидан ҳимоя қурилмалари ишдан чиқди.

Кобул. (Франс Пресс). Кобулга қарши кескин ҳужум қилаётган толибларга қарши кучлар пойтахтда жойлашган ҳарбий объектларни бир неча бор бомбардимон қилишди.

УКРАИНАГА ҚАРЗ БЕРМОҚЧИ

Канада Украинага 550 миллион доллар ҳажмда қарз бермоқчи. Канада ташқи ишлар вазири Ллойд Аксворти бу ҳақда Украина томони билан бир қатор шартномаларни имзолади. Аксворти Киевга расмий ташриф билан келганида унга 40 нафар канадалик бизнесменлар ҳамроҳ бўлдилар. Канадалик бизнесменлар бу ерда 425 миллион долларлик инвестиция битимларини имзоладилар. Бундан ташқари, Канада ҳукумати Украинага 100 миллион доллар пулни аниқ лойиҳалар учун кредит тарзда берадиган бўлди.

МУХОЛИФАТ КОНСТИТУЦИОН СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Маълумки, шу йилнинг 22 сентябрида Арманистонда президентликка сайловлар бўлиб ўтган ва унда мамлакатнинг ҳозирги Президенти Тер-Петросян ғолиб чиққан эди. Президентликка сайловда ютқазган номзод, мухолифат вакили Вазген Манукян Арманистон Конституцион судига бўлиб ўтган президентлик сайловлари натижаларини бекор қилиш ҳақидаги расмий баёноти билан мурожаат қилди. Манукян сайловолди компанияси штаби фаоллари сайловлар натижаларини сохталаштирилганлигини исботловчи 500 саҳифадан иборат ҳужжатларни тақдим қилишди. Арман қонунлари бўйича суд баёнотни кўриб чиқиш учун қабул қилганидан кейин бир ой мобайнида қарор чиқариши керак. Яна бир мухолифат номзоди, илмий-саноат ва фуқаро иттифоқи раҳбари Ашот Манучарян ҳам ушбу масалада конституцион судга мурожаат қилмоқчи. Дарвоқе, қатор сиёсий партиялар, шу жумладан, ҳозирги ҳукуматни қўллаб-қувватлаётган «Шамирам» партияси ҳам ноябрь ойида ўтказилиши мўлжалланган маҳаллий ҳокимият органларига сайловларни бойкот қилишга чақирмоқдалар.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

Венгрия оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, бу мамлакатдаги APV давлат хусусийлаштириш агентлиги директорлар назорат кенгаши Марти Тошик иши бўйича ўтказилган текшириш ҳақида докладни тегишли ҳуқуқ органларига топширдилар. Директорлар Кенгаши хусусийлаштиришни ўтказиш бўйича жавобгар бўлган юқори лавозимли расмий шахсларнинг бир неча нафарини ушбу шов-шувда айбдор, деб ҳисобламоқдалар. Докладда айтилишича, APV расмий раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари ер участкаларига тегишли акцияларни алмаштиришда кўплаб ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйганлар. Директорлар Кенгаши ўз текширув хулосаларини Бош вазирга, парламентнинг конституцион ва иқтисодий қўмиталарига, шунингдек, давлат аудиторлик комиссиясига жўнатишни режалаштирмоқда. Айни пайтда ҳукумат APV директорлар кенгашининг 11 аъзосидан 8 нафарини янгидан тайинлади.

ПОЛКОВНИККА АЙЛАНГАН ЧИЛАНГАР

Ажабо!

Шу йил сентябрнинг охирги кунлари Фарғона шаҳридаги деҳқон бозорида савдо-сотиқ ишлари билан юрган марғилонлик Е. Каримов ва фарғоналик М. Мамажоновлар олдига туппа-тузук кийинган бир одам келди.

— Сизлар кимсизлар?! Нима қилиб юрибсизлар?! Каримов билан Мамажонов ҳайрон бўлишди.

— Кечирасиз, ўзлари ким бўладилар?

— Мени танимайсанми? Мен Миллий хавфсизлик хизмати полковникиман. Бозорни текшираман. Сенлар билан ҳам гаплашаман.

«Миллий хавфсизлиги полковниги»нинг дўк-пуписасидан Е. Каримов саросимага тушди. Полковник уни бир четга тортиб дарҳол пул беришни, акс ҳолда ишлар чатоқ бўлишини айтиб таҳдид қилди. Калавасини йўқотган Е. Каримов полковникка 5 минг сўмни ўз қўли билан бериб юборди. Бироқ, озгина вақт ўтгач ғойиб бўлган полковникдан шубҳа тўғилди. Ва у милицияга мурожаат қилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Қўриқлаш» бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддат ичида «миллий хавфсизлик хизмати полковниги»нинг шахси аниқланиб қўлга олинди. Сохта полковник аслида Фарғона шаҳар Ёрбозор қишлоғида яшовчи, шу шаҳардаги ёг-мой комбинати чилангари Ёқубжон С. бўлиб чиқди. Шу кунларда бир юмалаб чилангардан полковникка айланган бу одам устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

Шарқона безатилган, усти берк бекатлар кўчаларимиз кўрки. Ёшариб бораётган Тошкент кўчаларини кезганингда бундай қулай бекатлардан ифтихорга тўласан. Биз томонларда ҳам ана шундай бекат бўлгучи эди. Хусусан, Уйғур ва Решетов кўчалари муюлишида автобусларнинг «Овощная» бекати бўлиб, кексаю ёшга ўзига хос паноҳ бўлиб турарди. Кейинги пайтларда тижорат ишларига кенг йўл очилиб, бекат бузиб юборилди. Бекатимиз аввалгисидан ҳам яхшироқ бўлса керак деб, ўйлабмиз. Қаёқда дейсиз. Жадал бошланган иш тўхтатиб қолди. Тадбиркор соҳиб икки хонали ғиштин бинони тезкорлик билан бунёд этишга киришган эди. Ҳайронман, юқоридагилар билан келишмовчилик бўлдими, иш тўхтаб ҳаммаси ўлда-жўлда қолаверди. Мана бир неча йилдирки, бекатсиз қийналяпмиз. Ҳар гал шу ерга келганимда йўловчиларнинг «Турган бекатни бузишди-я», «Қўлингдан келмас экан, уриниб нима қилардинг», деган эътироз ва таъналари қулоғимга чалинади. Буёғи қиш-қировли кунлар яқин бўлса. Наҳотки, туман ҳокимлигидаги мутасаддилар бу ерлардан ўтаётиб, чала бекатга бир назар солишмаётган бўлишса.

«Пахтакор» маҳалла аҳли номидан
Шоислом ШОАҲМЕДОВ.

ИСЛОҲОТ — АВВАЛО ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

вилоят бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 17,6 центнерга тушиб кетди.

Деҳқончиликда ном чиқарган Дўстлик, Мирзачўл туманларида ҳосилдорлик 21 центнерга тушиб кетганлигини, Арнасой туманида ўтган йили 10, Зоминда 13 центнердан ҳосил олинганлигининг сабабини ким тушунтириб бера олади?

Ўтган йили хўжаликларнинг ярмидан кўпи топшириқни бажара олмаган, ҳар тўрттадан биттаси йилни зарар билан якунлаган эди. Буни қандай баҳолаш мумкин?!

Пахтачиликдаги, умуман деҳқончиликдаги бу салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлмоқда?

Бунинг сабабларини мамлакатимиз раҳбари қуйидагича изоҳлади:

Биринчидан, кузги ва қишки дала ишларини ташкил қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Ерни кузда шудгорлаб қўйишда ҳикмат катта эканлигини деҳқонлар яхши биладилар. Вилоятда бу муҳим тадбир четга суриб қўйилмоқда. Айниқса, Мирзачўл, Арнасой, Дўстлик ва Зомин туманларида бу муҳим ишга умуман эътибор берилмаяпти.

1995 йилги ҳосилга тайёргарлик кўришда пахта майдонининг **80 фоизи** баҳорда шудгор қилинди. Натижада ҳосилдорлик пасайиб, ернинг унумдорлиги йўқолди. Деҳқонча қилиб айтганда ер ишдан чиқди. Бундай нуқсонга 1996 йилда ҳам йўл қўйилди. «Ер хайдасанг — куз ҳайда, куз хайдамасанг — юз ҳайда», деган нақлни вилоят ва туман раҳбарлари унутганга ўхшайди.

Ер ўз вақтида ҳайдалмай, бир қисми баҳорга қолиб кетмоқда. Шу аҳволда қандай юқори ҳосил ҳақида гапириш мумкин? **Бокимандалик, ўзибўларчилик, эгасизлик қачонгача давом этади?** Масъулиятсизлик — раҳбар учун иллат! Бундай кайфиятда юрганларни аллақачон тартибга чақириш вақти келган, деб ўйлайман.

Иккинчидан, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирлар қониқарсиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Суғориладиган ерларнинг асосий қисми шўрлаган.

Шу ўринда Президент йил бошида Хоразм вилоятида айтган гапларини яна бир бор эслатиб ўтди.

Деҳқончиликда энг муҳим, энг долзарб муаммоларни билмасдан туриб, уларни ҳал қилиш учун, яъни энг устувор масалаларни ечиш учун маблағ топиб бутун имкониятларни жалб этмасдан туриб, шу муаммоларни доим эътибор марказида сақламасдан туриб, олға силжиш мумкин эмас!

Меҳнат тақсимоти, ишчи кучи сарфи ва иш ҳақи ўртасидаги мувозанатни сақлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли шаклларини жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Охирги йилларда вилоятда **шўр ювиш ишлари 60 фоизни** ташкил қилмоқда. Хўжаликлараро ва хўжаликларнинг ички зовур тармоқларини таъмирлаш ишлари ҳам қониқтирадиган даражада эмас. Очиқ зовурларнинг яроқсиз аҳволга келган қисми вилоят бўйича **27 фоизга** етган. Бу кўрсаткич Арнасой ва Зарбдор туманларида **34-45 фоизга** кўтарилган.

Ёпиқ дренаж тармоқларининг 20 фоизи ишдан чиққан. Уларни таъмирлаш ишлари кескин камайиб кетган. Ўтган йили дренаж тармоқларининг талабга нисбатан 7, очиқ зовурларнинг эса 22 фоизи таъмирланган, холос. **Натижада ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетган.**

Албатта, бу муаммоларни давлатимиз, ҳукуматимиз эътибори марказида ушлаб туриш керак. Лекин маҳаллий ҳокимият раҳбарлари қани?

Ҳар бир хўжалик ўз имкониятидан келиб чиқиб, дренажларни ювадиган ва таъмирлайдиган ихтисослашган бригадалар тузса бўлмайдими? Аллақандай бегона ташкилотларга пул ўтказмай, ортиқча чиқимсиз ўз кучимиз билан ўз муаммоларимизни ҳал этишни қачон ўрганамиз?

Учинчидан, вилоятда пахтанинг тез пишар, ҳосилдор навларидан фойдаланилмаяпти. Уруғчиликка етарли эътибор берилмаяпти. Ҳар йили пахта майдонининг ярмидан кўп қисмига сифати бузилган навлар экилмоқда. Яъни, экилган чигитнинг **45 фоизини** унувчанлиги паст бўлган иккинчи класс уруғ ташкил этади. Бунинг устига турли-туман навлар экилади. Ахир бу тола сифатининг бузилишига олиб келмайдими?

Тўртинчидан, маҳсулот етиштиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан ҳамда сувдан самарали фойдаланилмаган. Вилоят хўжаликлари бу йил 66 фоиз азотли, 47 фоиз фосфорли ўғит билан таъминланган, холос. Бунинг устига **минерал ўғитларнинг 20 фоизи август ойига яқин келтирилган, хўжаликларга кеч етказиб берилган. Ахир, оддий агроном ҳам биладики, август ойида берилган азотли ўғит пахтанинг етилишини кечиктиради.** Оддий тил билан айтганда, ғўза семиради-ю, лекин ҳосил бермайди. Наҳотки, вилоятда деҳқончиликдаги бу оддий ҳақиқатни тушунадиган биронта мутахассис топилмаса?! **Бунинг устига сентябрь ойининг ўрталарида ҳам ғўзани суғориш Жиззах шароитида бутунлай номаъқул иш, ақлга сиғмайдиган усул эмасми?!**

Андижонда деҳқонлар пахтачиликда янги технологияни қўллаб, плёнка остига чигит экиб **50-60 центнердан** ҳосил оляптилар. Бундай усул билан экилган пахта тез етилади, ёғин-сочинга қолмай териб олинади.

Бундай масалаларда ҳар доим илғор сафларда юрган жиззахликларнинг ҳаракатлари кўринмаяпти. **Янгиликка интилиш, изланиш, ҳосилдорликни ошириш учун ҳаракат сезилмайди.**

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, уларни янгилаш ва таъмирлаш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Чўлни ўзлаштиришда барча жараён техника ҳисобига бажарилиши назарда тутилган. Буни кўпчилик яхши тушунади.

Бугун қишлоқ хўжалигига техника етишмайди. Буни биз яхши тушунамиз. Ҳозирги кунда вилоятда 2,5 мингта ҳайдов, 400 та чопиқ трактор етишмайди. Лекин мавжуд тракторларнинг ҳам асосий қисми етарли даражада қаровнинг йўқлиги, масъулият бўлмаганлиги, хўжасизлик оқибатида ишдан чиққан. Жамоа мулки ўз мулкидек авайланмаяпти. Кор-ёмғир тагида қолиб кетаяпти. **Мулкка эгалик тушунчаси етарли эмас.**

Нега механизатор ўзининг енгил машинасини ювиб, мойлаб асрайди-ю, хўжалик тракторига жони ачимайди? Ахир ана шу трактор туфайли оиласини боқмайдими? Хўжалик раҳбарлари қаёққа қарашяпти? Нега улар хўжаликларда тартиб ўрнатмайдилар? Чунки уларнинг ўзларини тартиб-интизомга чақириш керак, деб ўйлайман.

Пахта териш машиналари талабга нисбатан анча оз. Мавжудларининг эса 25 фоизи ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган. Бу йил ҳам етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда машиналар хизматидан унумли фойдаланилмаяпти. Ҳар бир машина кунига ўртача бир тонна ҳам пахта тераётгани йўқ. Бундай натижа билан яна нима ҳақида гапириш мумкин? Ҳозирги кунга қадар терилган пахтанинг 20 фоизи машиналар билан йиғиб олинган, холос. Кейинги йилларда машина терилмининг улуши 30-40 фоиздан ошмаяпти.

Такрор айтаман, деди нотиқ, техникага хўжасизларча муносабатда бўлинмоқда. Энди техникани ҳеч ким текинга бермайди. Буни англаш вақти келди. Боқимандалик қайфиятини йўқотиш керак. Техника ҳам — **сизнинг мулкингиз, ҳусусий мулкингиз. Тушуниб олинг.** Энди уни асрашни ҳам, ундан фойдаланишни ҳам билиш керак. Янгисини сотиб ололмасангиз, эскисини авайлаб ишлата олмасангиз, эртага нима қиласизлар? Бу тўғрида бош қотириш вақти етди.

Ерни шудгорлашдан пахтани териб олишгача бўлган барча агротехника қоидаларига амал қилмаслик, янгиликка интилишнинг йўқлиги, ерга эътиборнинг яхши эмаслиги ва пировард натижада деҳқон манфаатдорлигини ошириш чоралари кўриб чиқилмагани — барчаси пахтачиликдаги қолоқликка олиб келган.

Кейинги йилларда республикада дон мустақиллигини таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ғалла майдонлари кенгайтирилди, соҳага эътибор кучайтирилди.

Жиззах — республикада энг кўп ғалла экиладиган вилоятлардан бири. Бу йил 246 минг гектар ерга ғалла экилиб 496 минг тонна дон етиштириш режалаштирилган эди. Афсус, вилоят давлат хирмонига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олмади.

Кўзланган ҳосилнинг 40 фоизи етиштирилди холос, давлатга сотиш режаси эса атиги 53 фоизга етказилди.

Республикамизнинг бир қатор вилоятларида ғалладан 40-50 центнер ҳосил олинаётган бир даврда, сизларда **суғориладиган ерларда ҳосилдорлик 14 центнерни ташкил қилганлигини қандай баҳолаб, нима деб тушунтирса бўлади?**

Президент масалани кўндаланг қўйди: қани менга айтингчи, ярим миллион тонна ғалла етказиб бериши мумкин бўлган вилоятда нима ишлар бўляпти ўзи? Бунинг сабаблари нимада? **Менимча, бунинг сабаби: авваламбор боқимандаликда, ўзибўларчиликда, эртанги кунни ўйламай, ишни палапартиш ташкил қилишда.**

Ўтган йили 20 минг тонна сифатсиз уруғдан фойдаланилган. Бу вилоят бўйича экилган уруғнинг 45 фоизни ташкил қилади. Шундай уруғ тўлиқ униб чиқадими, ҳосилдорлиги қандай бўлади, ҳеч кимни ташвишга солмаган.

Бунинг устига ғалла экиш муддатлари кечиктириб юборилган, 63 минг гектар ғўза қатор ораларига ғалла экишда агротехника қоидаларига риоя қилинмаган. **Ҳар гектар майдонга нормадаги 250 килограмм ўрнига 80-100 килограмм уруғ тушган.** Буни ҳеч ким назорат қилмаган. Ўғит вақтида берилмаган ва суғорилмаган.

Уруғ сифатли бўлмагани, тўла униб чиқмагани учун ғалла вилоятнинг ҳамма майдонларида сийрак бўлиб қолгани сабабли уни бегона ўт босган. Ўрим-йиғим мавсуми кечикиб, кўзланган муддатдан ўтиб кетган ва 45-50 кунга чўзилган.

Арнасой (Б. Раҳмонов), Дўстлик (А. Ҳожимуродов), Мирзачўл (Т. Есимов) ва Пахтакор (Ў. Олимов) туманларининг 60 фоиз майдонидаги ғаллани бегона ўт босиб кетган. Бу майдонларнинг аксарият қисмини комбайн ҳам ўролмаган ва ҳосил далада қолиб кетган. Ишга шундай муносабат билан ғалладан юқори ҳосил олиб бўладими? Бу ўзини-ўзи алдаш эмасми? Агрономлар, мутахассислар йил бўйи нима билан шуғулланади? Улар қаёққа қарашди? Наҳотки, бефарқлик шу даражада бўлса? Бундай ҳолатга энди чидаб бўлмайди! Унга чек қўйиш керак!

Деҳқончиликда ерга, ишга бўлган муносабатни кескин ўзгартирмай, ерга ҳам, етиштирилаётган маҳсулотга ҳам эгалик ҳиссини кучайтирмасдан туриб қишлоқ хўжалигида ислоҳот қилиб бўлмайди.

Ачинарлиси шундаки, ҳанузгача қишлоқ хўжалигида пайчиликни, хўжалик аъзоларининг умумий мулкдаги улушига қараб ҳақ тўлаш тизимини ривожлантириш масаласига эътибор берилмаяпти.

Ерга бўлган муносабат йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Айниқса, уни талон-торож қилиш, шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланиш ҳоллари учрамоқда. Биргина Мирзачўл (ҳоким Т. Есимов) туманидаги «Пахтазор» хўжалигида (раиси М. Файзиев) ноқонуний равишда 170 гектар ер томорқа сифатида бўлиб бериб юборилган. 190 гектар ерга мелиоратив ҳолати ёмонлиги ва техника етишмаслиги туфайли экин экилмаган. **Вилоят бўйича пахта учун ажратилган майдоннинг минг гектарига чигит экилмай қолди. Яна минг гектар ерда қаровсизлик туфайли чигит унмай қолиб кетган.** На туман ҳокимлиги, на вилоят агросаноат уюшмаси бу фактларга ўзларининг баҳоларини бермаганликларини, вилоят раҳбариятининг эса қузатувчиликдан нарига ўтишга кучи етмаётганини қандай баҳоласа бўлади?

Бир қатор пахта тозалаш заводларида пахта толасининг камомади аниқланган. Масалан, Зафаробод туманидаги (ҳоким С. Абдусатторов) пахта тозалаш заводи фаолияти текширилганда 2 минг тонна пахта толаси, 9 минг тонна чигитнинг камлиги аниқланган. Пахтакор (ҳоким Ў. Олимов), Дўстлик (ҳоким А. Ҳожимуродов) туманларидаги пахта заводларининг ҳар бирида бир ярим минг тоннадан пахта толаси кам келган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошириш йўлида мулк нодавлат шаклларига ўтказилди. Кўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари тузилганлиги хусусида ҳисоботлар берилди. Лекин, нега маҳсулот етиштиришда кўзланган натижага эришилмаяпти? Чунки мулкчилик шакли ўзгаргани билан ишни ташкил қилиш Мирзачўл, Арнасой ва Зомин туманларида эскича усулда олиб борилмоқда. **Мулк эгалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар. Хусусийлаштирилган фермаларда қорамол сони, сут етиштириш кескин камаймоқда.**

Бу ўз навбатида соҳани ҳокимлардан бошлаб, агросаноат мутахассисларигача ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб қўйганлигидан дарак беради.

Юртбошимиз вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш борасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Аввало бозор иқтиосдиёти моҳиятини тўла англаб етиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас.

Вилоят корхоналарида дебитор ва кредитор қарзлар ойдан-ойга кўпайиб бормоқда.

Шу йил текширилган 300 дан ортиқ ташкилотнинг 70 фоизида 9.2 миллион сўм зарар келтирилганлиги, ҳар учтасидан биттасида эса катта миқдорда ўғрилик ва камомадга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, вилоятда эмиссия улуши 71.2 фоиз миқдорида қайд этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 18 фоизга ошган. Бу рақам Зомин, Арнасой, Мирзачўл, Фориш ва Бахмал туманларида 80-85 фоизни ташкил қилган. Бу муаммо заминида аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчаларини кўпайтириш, улар ишини тубдан яхшилаш, кўплаб халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, пештахталари харидоргир товарлар билан тўлдириш вазифалари ётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мавжуд 562 та қишлоқнинг ярмидан кўпроғида косибчилик, тикувчилик устахоналари йўқ. Шундай экан, прокат хизмати, кимёвий тозалаш, кир ювиш, сураткашлик, телевизор ва музлатгичларни тузатиш сингари бироз тайёргарлик ва махсус малака талаб этадиган хизматлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Савдо ҳиссадорлик жамиятларига қарашли дўконларнинг пештахталари бўм-бўш. Айрим дўконларнинг ёзувлари, иш режими йўқ. Атрофи санитария талабларига жавоб бермайди. Аксарият ҳолларда улар эрталабдан кечгача очилмайди. Бундай ҳолат Ғаллаорол (Т. Умурзоқов), Пахтакор (Ў. Олимов), Зомин (Ш. Абдуғаниев), Бахмал (Х. Суюнов) ва бошқа туманларда кўплаб учрайди.

Қишлоқда ишчи ўринларини барпо этиш масалалари бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланмоғи лозим, деб қайд этди нотиқ. Шу ўринда вилоятнинг хусусиятидан келиб чиқиб айтмоқчиманки, аҳолининг 50 фоизга яқини тоғли Фориш, Бахмал, Ғаллаорол ва Зомин туманларида яшайди.

Чўл туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, кичик саноатни олиб кириш ҳисобига қўшимча ишчи ўринларини яратиш чораларини кўриб, тоғли аҳолини ана шу жойларга фойдали меҳнатга жалб этиш тадбирларини ишлаб чиқиш вилоят раҳбариятининг ҳаёлига ҳам келмаган.

Айни пайтда иш сўраб мурожаат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётгани ва вилоят аҳолиси бир йилда ўртача 23 минг кишига кўпаяётганлиги назарда тутилса, юқоридаги вазифанинг яна ҳам долзарблигини англаш қийин эмас.

Фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия ва маданий-маънавий ишларни жонлантириш маҳаллий ҳокимият идораларининг, ҳар бир раҳбарнинг кундалик ишига айланмоғи лозим.

Уй-жой, қишлоқ мактаблари, тиббиёт пунктлари, маиший хизмат объектлари, телефонлаштириш масалаларини ҳал этишга доир ҳукуматнинг қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини яна бир бор танқидий кўз билан кўриб чиқиш даркор. **«2000 йилга бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури»ни** бажариш вилоятда эътибордан четда қолган.

Вилоятда аҳоли соғлиғини сақлаш, тиббий хизматни яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. 346 та қишлоқ тиббиёт шоҳобчаларининг фақат 32 фоизи махсус биноларда жойлашган, 70 фоизида эса телефон алоқаси йўқ.

Аҳоли ўртасида юқумли вирусли гепатит, ўткир ичак касалликлари билан касалланиш даражаси пасаймаётир.

Ёш авлодни вояга етказиш, уларни муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишда ҳам камчиликлар кўп.

Вилоятда кейинги йиллар ичида 61 та болалар боғчаси аввало раҳбарларнинг калтабинлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида турли баҳоналар билан ёпиб қўйилган. Баҳоланки, ҳозирги кунда боғча ёшидаги болаларнинг фақат 20 фоизигина тарбия муассасаларига жалб этилган, холос.

Халқ таълими ислоҳоти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам яхши эмас. 485 та мактабнинг ярмидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган, 11 таси эса қулаб тушадиган ҳолатда. Шунга қарамай, мактаблар қурилиши суст олиб борилмоқда.

Ўқиш ва ўқитишнинг энг илғор тажрибаларини жорий этишга кам эътибор берилмоқда. Вилоятда мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш 92 фоизга бажарилган. Химия, биология, тарих, чет тили фанлари бўйича ўқитувчи кадрлар етишмайди. Мавжуд мактабларнинг 50 фоизидагина компьютерли синфлар ташкил қилинган. Бироқ уларнинг 30 фоизи ишламайди.

Бахмал, Фориш, Пахтакор, Дўстлик, Жиззах, Зомин туманларида клублар ва стадионларнинг ташландиқ ҳолатга келиб қолиши, айниқса, ташвишли. Бу соҳага жавоб берадиган раҳбарлар ўз иш услубларини замон талаби даражасига кўтариш чораларини белгилаб олишлари зарур, деди Президент.

Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин.

Бу борада ҳокимликлар билан бирга, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари «Соғлом авлод учун» ва «Камолот» ёшлар жамғармалари ҳамда кенг жамоатчиликнинг бошини қовуштириб ишлаш лозим. Шуни яхши билиб олишимиз керакки, **жамоат ташкилотлари фаолияти энг таъсирчан ва ҳозиржавоб фаолиятдир.** Чунки, улар бевосита одамлар кундалик ҳаёти ва ташвиши билан узвий боғланган. Жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари ишини кучайтириш, уларнинг жамиятда тутган мавқеини ошириш зарур.

Ислоҳот — энг аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Токи бизнинг тафаккуримиз эскича қарашлардан халос бўлмас экан, бугунги кун вазифасини ҳар бир замондошимиз онгига, қалбига етказмас эканмиз — туб ўзгаришларга эриша олмаймиз.

Дунёқарашни ўзгартиришдек улкан, кенг қамровли масалаларни ҳал этишда матбуотнинг ўрни катта. Вилоят газеталари, радио ва телевидениеси имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Тўғри, «Жиззах ҳақиқати» ва «Жиззакская правда» газеталари ўзларини янги давр талабларига бирмунча мослаштиришга интилаяптилар. Бироқ, ислоҳотларнинг муҳим бўғини бўлган қишлоқ аҳли турмуши, унинг маданиятига доир муаммоли, таҳлилий ва танқидий мақолалар кам берилмоқда.

Айниқса, буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланаётгани, миллатимиз ва давлатимиз тарихида янги даврни очиб бераётган бу улкан воқеа нимагадир вилоят газеталари саҳифаларида етарлича ёритилмаяпти. **Ватанпарварлик мавзуидаги чиқишлардан қониқиш ҳосил қилиш қийин.**

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида кадрлар масаласига алоҳида эътиборни қаратди.

Ислоҳотларнинг муваффақияти кадрларнинг малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олганига, жонкуярлигига, ҳалол ва поклигига, қоларверса, ватанпарварлигига боғлиқ.

Шу сабабдан **янгича фикрлайдиган, янгиликка чанқоқ, завонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган ёшларни тарбиялаб, уларни ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак. Шу йўл билан биз ўз сафимизни тозалашга, бошқарув тизимининг мустаҳкамланишига эришамиз.**

Вилоятда бу ишга жиддий ёндашилмаяпти. Ҳамон ишни эскича усул билан ташкил қилаётган, ислоҳотларни амалга оширишга доир қонун-қоидаларни яхши билмайдиган, замон талабларига етарли жавоб бера олмайдиган кадрлардан воз кеча олинмаяпти. Кадрлар сиёсатида аниқ тизим йўқ. Уларни тарбиялаш, жой-жойига қўйишда ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик иллатлари ҳамон давом этмоқда.

Ҳаммамиз бир юртнинг фарзандимиз, Ўзбекистон — ватанимиз учун жон қуйдириб яшаб, меҳнат қилишимиз, муаммоларни биргалашиб ҳал қилишимиз зарур. Маҳаллаларни, қишлоқларни, туманларни, қоларверса вилоятларни бир-биридан ажратишга, «Менинг киндик қоним фалон маҳаллада ёки даҳада тўкилган!» деб юришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Энди ана шу касалликдан қутилиш керак!

Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишимиз керак.

Вилоятда хотин-қизларни раҳбар лавозимларга кўтаришга, уларга масъулиятли вазифаларни топширишга эътибор берилмаяпти.

Раҳбарликнинг барча бўғимларига инсофли, диёнатли, тажрибали, аввал халқни, Ватаннинг равнақини ўйлайдиган инсонлар бошчилик қилмас экан, вилоятда тартиб ҳам бўлмайди, иш ҳам юришмайди. **Бошқарув тизимини такомиллаштириш бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.**

Шунинг учун биз турли тоифа ва даражадаги раҳбар кадрлар танланаётганда уларнинг қобилияти, билим даражаси, тажриба ва кўникмаси билан бирга, маънавий қиёфасига ҳам жиддий эътибор бермоғимиз лозим.

Одамлар дардига қулоқ солмайдиган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, турмушимиз фаровон бўлишига тўғаноқ бўлаётган, халқ мулкини талон-торож қилаётган таъмагир мансабдорлар энди этагини йиғиштириб олсин.

Умуман олганда салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларинингина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак, деди юртбошимиз.

Албатта, бу борада вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, вилоятда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Ўтган ярим йилда жиноятнинг оғир ва ўта оғир турлари кўпайган. Одам ўлдириш, босқинчилик, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш ҳолатлари камаймаган. Бундай жиноятлар кўпроқ Жиззах, Арнасой, Зомин ва Мирзачўл туманларида содир этилган. Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Зафаробод, Зомин ва бошқа туманларда маст ҳолда жиноят содир этиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайган.

Вилоятда жазонинг муқаррарлиги тўлиқ таъминланмаётир. 1995 йилда 235 та ёки ҳар ўн жиноятнинг бири, жорий йилнинг ўтган даврида эса 135 та жиноят очилмаган. Уларнинг аксарият қисми оғир ва ўта оғир жиноятларни ташкил қилади.

Қонун устиворлигини таъминлашга масъул идораларнинг ходимлари томонидан ҳам жиноят содир этиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. 1995 йилда вилоят прокуратурасининг, ички ишлар бошқармасининг 9 нафар ходими мансаб ваколати доирасидан чиқиш каби жиноятларни содир этганлар.

Вилоятда балоғатга етмаган ёшлар ўртасида жиноятлар сони кўп. Улар вилоят, туманлар ҳокимлари, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла жамоатчилиги, маориф, прокуратура, ички ишлар ходимларини сергаклантириши керак эди. Бу жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш чораларини белгилаш бўйича амалий иш йўқ.

Президентимиз пировардида бундай деди:

Жиззах вилояти аҳли олдида турган ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар ҳали жуда кўп. Жиззах аҳли бағри кенг, қалби қайноқ, ғурурли ва адолатли халқдир. Унинг меҳнатсеварлиги, шижоати ва ғайратини яхши биламиз. Катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ишонамиз.

Вилоятнинг истиқболи учун ҳамма аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўйлайманки, бу воҳа тараққиёти тезлашади.

Энди фақат имконият ва ҳаракатлар бирлиги, ғоялар ва мақсадлар бирлиги керак. Ана шунда Жиззах ҳам она юртимиз буюк келажаги йўлида, унинг бой-бадавлат, ривожланган мамлакатга айланишида ўзининг катта улушини қўшади. Иншоолло, ана шундай эзгу-ниятларимизга етамиз.

(ЎзА).

Китоб жавонингизга

ИБРАТНОМА

Халқимизда андак қўполроқ оҳангда бўлсада, «қазисан, қартасан — ахири аслингга тортасан» деган нақл бор. Ҳеч бир ишда, айниқса тарбия бобида «аслига тортмасдан» тузукроқ натижага эришиб бўлмайди. Нарса ва ҳодисалар моҳиятини кўпроқ тимсоллар орқали идрок этишга мойил Шарқ кишиси учун-ку инчунун.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан яқинда «Шарқ» нашриётматбаа концернида чоп этилган «Толибнома» («Сени ўйлайман, болам») китоби аслимизга қайтиб, анъаналаримизга таяниб иш кўришнинг нишонасидир. Маълумки, шарқона таълим-тарбия тизимида одобномаю насиҳатномалар алоҳида ўрин тутган. Бу замонавий панднома ҳам билагон мутахассис, комил зоти шариф бўлиш учун нима қилиш керак? — деган долзарб муаммодан баҳс очади.

Китоб муаллифларининг эътироф этишича, у ўттиз йил ва ўттиз кун ичида ёзилган: «Профессор Ғайбулла Саломов (Ғайбуллоҳ ас-Салом) бобо қўйманиб насиҳат қилади, тажрибалари, кузатишлари, ўз бошидан кечирганлари, кўрган-билганларидан сўзлайди. Шогирди, доцент Сайди Умр, садоқат юзасидан, унинг ёзганларини оққа кўчиради, тўлдиради, давом эттиради, янги фасллар қўшади... Шу тариқа ўзига хос елкадошлик («тандем») юзага келади».

«Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин», — дейилади Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида. «Толибнома» ана шу руҳда битилганлиги билан диққатга сазовор. Ў олим ва адиб Ғайбулла ас-Саломнинг «Мен сув ичган дарёлар», «Армон» китобларига ҳамоҳанг, маълум маънода уларнинг мантиқий давоми ҳамдир. Бунинг боиси уларнинг муштарак қаҳрамони муаллифнинг ўзи эканлигидир. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, илм сўқмоқларида азият чекиб, равон йўлга чиқиб олган (тўғрироғи, равон йўл очган) фан арбобининг, юзлаб шогирдларга устозлик қилган муҳтарам олимнинг, бошқалар дарду ҳасратларига елкадош бўлиб, бахтидан қувониб юрувчи ҳокисор инсоннинг сиймоси гавдаланади уларда.

«Толибнома» тест синовларида «голиб келиб, толиб бўлган» ёшларга мурожаат этишдан бошланиб, студентлик даврининг пасту баланди, оғир-енгил томонлари, илм дурларини териш машаққатларию камолот пиллапояларидан кўтарилиш йўлларини кўрсатувчи 12 фаслни ўз ичига олади. Китобда одоб-ахлоқ, муомала, юриш-туриш маданияти, илмга чанқоқлик, Ватанни севиш, миллатга ва она тилига садоқат, имон-эътиқодлилик, лафзи ҳалоллик, меҳнатсеварлик сингари кўплаб ғўзал фазилатлар ҳақида ибратли воқеалар, нақллар асосида фикр юритилган. Умуман олганда китобда ИБРАТ масаласига алоҳида урғу берилади: «Яхшилардан ибрат олинг, маънавий ҳаётнинг негизи ибрат». Ибрат майдонининг поёни кенг. Асрлар оша қатланиб ётган шаваклари тарихимиз, бой маданиятимиз ва маънавиятимиз билан бир қаторда ён-веримиздаги, узоқ-яқиндаги халқлардан, илму фанда, иқтисодий ҳаётда мўъжизалар яратаётган мамлакатлардан ўрнак олиш, уларнинг тилини, дилини билишга, ютуқларидан баҳраманд бўлишга бел боғлаш бугунги навқирон наслнинг вазифасидир.

Хуллас, «Толибнома»да эзгуликка йўлланган инсон аъмолига оид бир олам гап бор десак, муболаға эмас. Унда турфа мавзулар қаламга олинган бўлса-да, барча саҳифаларни теран маъно, мукаммал мантиқ, ғўзал ифода қовуштириб, китобхонда муштарак таассурот ҳосил қилишга эришилган.

Китобнинг жозиба кучи нақадар зўр, услуби енгил. Сўзлар ҳавода учиб юрмайди — дилдан чиқиб, дилга оқади. Тўғри, унинг ҳамма ўринлари ҳам ширин «ҳазм» бўлавермайди. Нордон, намакоб жойлари ҳам бор. Аммо, моҳими, ҳар бир сатр самимият шуъласи билан нурланиб турибди.

Китоб толиби илмларнинг (фақат уларнингина эмас) сирдоши, яқин маслаҳатгўйи, доимий ҳамдами бўлиб қолишига ишончимиз комил. Бироқ бир андиша бор: «Толибнома» қатъий буюртма асосида беш минг ададда босилган. Мамлакатимизда эса юз минглаб ёшлар бундай китобга илҳақ. Шунинг учун мутасадди кишилар уни кўплаб нусхада тарқатиш, эркин сотувга чиқариш тадоригини кўришса кони фойда бўлар эди.

Жамолиддин БЎРОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.
Абдусалом УМАРОВ,
филология фанлари номзоди.



Деҳқон кўнгли далада. Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

БЕМАВРИД ҚИЧҚИРГАН ХЎРОЗ

Йигит учун муносиб жуфти ҳалолини танлаб ҳаётда ўз ўрнини топиши умрининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Юнус ана шундай нозик ишда хатолиққа йўл қўйди. Натальянинг бошқа бировдан боласи борлигини кўра-била туриб ўша жувонга уйланди.

У бундан икки йил олдин ўғрилик қилганлиги учун жазо олди. Маълум муддатга озодликдан маҳрум этилди... Наталья уйида фарзандлари билан қолди. Уй бекасининг умр йўлдошига бўлган садоқатини синовдан ўтказадиган ана шундай кунларда оила бек

Миллат ва маънавият

... ҲАЁТ КУЛИБ БОҚАДИ

Ҳар бир хизмат турининг, ишлаб чиқариш жабҳасининг, машғулот тарзининг ўз соҳаси бор. Лекин умумбашариятга дахлдор шундай тушунчалар борки, улар тармоқ танламайди. Инсоннинг руҳий олами, маънавияти ҳам худди шундай. Маънавий етукликка олиму деҳқон, ишчию раҳбар — барча бирдай интилади. Эл-юрт осойишталигини сақлаш йўлида одамлар билан кундалик муносабатда бўлган ички ишлар ходимлари ҳаётида ҳам маънавият алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, подполковник Эркин МЎЛДАБОЕВ билан суҳбатимиз ҳам маънавий тарбия мавзуида бошланди.

— Биз шахсий таркиб билан ишлаймиз. Шу боис бирор лавозимга муносиб кўрилаётган ходим номзоди муҳокама қилинаётганда кўпроқ унинг маънавий оламига назар ташлашга ҳаракат қиламан. Анъанавий саволлардан ташқари, яқин вақт ичида қандай китобларни ўқиганлигини суриштираман. Негаки, инсон китоб ўқиш орқали руҳий оламини бойитишга эҳтиёж сезса, унинг қалбида эзгулик муқим жой олган бўлади. Яқинда русларнинг машҳур ёзувчиси Антон Чеховнинг қуйидаги фикрларини ўқиб қолдим: «Киши қанчалик ақлий ва ахлоқий жиҳатдан камол топган бўлса, у ўзини шунчалик озод ҳис қилади, унга ҳаёт шунчалик кулиб боқади». Жуда топиб айтилган гап. Мен бу сўзлар ҳар бир ходимизнинг иш столи устида ёзиб қўйилишини орзу қилардим.

—Жиноятчиликни камайтириш учун нималар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Ҳуқуқий тарбияга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Қонунни яхши билган одам кам жиноят қилади. Ахир кўпчилик жиноятчилар мавжуд қонун-қоидани яхши билмаганликлари учун жиноят йўлига кириб қолмоқдалар. Энди ўйлаб кўринг, умрида қўлига китоб олмайдиган одам қонунларни ўқиб-ўрганармиди?! Албатта, ҳуқуқий саводхонлик деганда жуда кенг маъно мужассам. Ҳаммани бир ўқув хонасига киритиб қонун ўқитиш, пировардида имтиҳон олиш имкони йўқ. Ва шарт ҳам эмас. Одамларимиз ёшлик давриданоқ ҳуқуқий жамиятда яшашга тайёр бўлишлари лозим. Кимдир ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаш керак деб айтди, мен боғчадан бошлаш керак, деб ҳисоблайман. Ҳа, фуқароларнинг маънавий камолотига инсон тарбияси учун масъул бўлган барча касб соҳиблари бирдай жавобгардир.

Президентимиз Республика Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида суд органлари олдига катта вазифалар қўйди. Бу ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаётган барча жабҳа вакилларига бирдай тааллуқлидир. Очиғини айтганда, эски қарашдаги одамлар суд— бу жазоловчи идора деган тушунчада юрибдилар. Аслида суд моҳият-эътиборига кўра меҳнат кишисининг манфаатларини, ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш керак.

Аҳоли онгига қонунларни сингдиришда кўргазмали, очиқ суд мажлисларининг аҳамияти жуда катта. Агар бирор ишни кўриш жараёнида амалдаги қонунларимиз халқона тилда тушунтирилса, бу нафақат судланувчи учун, балки ўша жойда ҳозир бўлганлар учун ҳам ҳаётий сабоқ бўлади.

Маънавий баркамол инсон бугунги жамиятимиз учун жуда зарур. Ҳар қанча иқтисодий қийинчилик бўлмасин, маънавиятга эътибор олдинги ўринга қўйилаётгани жуда тўғри. Зотан, тафаккури бой одам қонунларни ҳам яхши ўзлаштирган бўлади.

— Ўз хизмат соҳангизда шундай намунали ходимларни айта оласизми?

— Улар жуда кўп. Агар жиноятчиликка қарши курашувчи ходимлар маънавий қашшоқ бўлсалар, буёғи нима бўлади?! Майли, баъзиларини номма-ном айтиб ўтай, бошқармамизда ишлаётган Ботир Абдуллаевни олайлик. Асли касби журналист. Дунёқараши, тафаккур доираси кенг. Жиноятчиларни тарбиялаш, катта ҳаётга қайтариш борасида эринмай ишлайди. У билан ёнма-ён ишлаётган Шуҳрат Ҳайдаровнинг номини тилга олишимиз мумкин. Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимида ишлаётганлар ўттиз йилдан буён шу соҳада тер тўкиб келаётган муассасалардан бирида бошлиқ ўринбосари вазифасини уддалаб келаётган Муҳаббат Султонованинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Муҳаббат опа аёл қалбини, оналик меҳрини шу мураккаб соҳага бағишлаб келмоқда. Касбига садоқатли, руҳан шижоатли бу аёл билан ғаплашсангиз суҳбатига тўймайсиз. Мустақиллигимиз беш йиллиги кунларида Муҳаббат Султоновага полковниклик унвони берилди. Мустақиллик бизга кўп нарса берди. Шулар қаторида МДҲ мамлакатларида ишлаб юрган кадрларимиз ўз ватанларига қайтиб, ўзбек халқи учун хизмат қила бошлаганларини айтиш ўринлидир. Чунончи шу пайтгача Украинада хизмат қилиб юрган полковник Ражаб Қодиров ҳам жонажон юрт бағрида фидойилик кўрсатиб ишламоқда.

— Шу ўринда бир савол: илгари бошқа жойларда ишлаб, ўзимизга қайтиб келаётган ходимлар Ўзбекистондаги иш юритишга қандай баҳо беришяпти?

— Жуда яхши савол бердингиз. Албатта, четдан нигоҳ ташлаганга яққолроқ кўринади. Биласизми, улар Ўзбекистонда азалий қадриятлар намоён бўлаётганидан хурсанд эканликларини айтишяпти. Қонун ва тартиботлар ўз йўлига. Лекин имон ва диёнат туфайли вужудга келган вазиятни қайси ҳужжатда акс эттириб бўлади?! Ахир Президентимиз ўз салоҳияти ва кучига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади, деб бежиз айтмадику! Биз бутун билим ва иқтидоримизни ана шундай халққа сарфлаётганимиздан фахрланамиз!

ҲАМ ШОЛИ, ҲАМ ПАХТА

Шоли етиштиришда вилоятда эмас, балки мамлакат миқёсида пешқадам ҳисобланган Хонқа туманидаги ал- Хоразмий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари қабул пунктига 4700 тонна юқори навли қирмизи дон топшириб, бу йиллик режани муваффақиятли уддаладилар. Шолидан 55 центнерлик маррани кўзлаб урим-йиғимни жадал давом эттираётган ал-Хоразмийликлар ҳафта ўтмай иккинчи ғалабани ҳам қўлга киритишди. Йиллик пахта тайёрлаш давлат буюртмасини ҳам ошиғи билан бажардилар. Давлатга 1500 тоннадан зиёд пахта, сифатли хом ашё топширилди. Гектар бошига олинган ҳосил 32 центнерни ташкил этди.

Қўш ғалаба соҳибларига вилоят ҳокими И. Юсупов табрик телеграммаси йўллади. Йиғим-терим мусобақасининг вилоят бўйича якунларига кўра хўжаликда энг яхши кўрсаткичларга эришган деҳқонга имтиёзли тарзда сотиб олиш учун битта «Нексия» автомобили ажратилди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАММА БАРАВАР ИШЛАСА БЎЛАРКАНУ

Ҳоким ўзгариб, Узун тумани иқтисодий ривожланишнинг деярли барча жабҳаларида вилоятда пешқадам марраларга чиқиб олди.

Бу йил ғалладан мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирган узунликлар пахта тайёрлаш давлат шартномасини Сурхондарёда биринчи бўлиб бажардилар. Гектаридан 33 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 20 минг тоннадан зиёд пахта сотилди.

— Туманда бугун илғор ёки қолоқ жамоа деган айирма ўз-ўзидан барҳам топаяпти. Бу ҳамманинг бараварига жон куйдириб, яхши ишлаш ҳаракатида бўлаётганидадир, — дейди туман ҳокими С. Ҳасанов.

Кузги ғалла парвариши, пахта йиғим-терими, бошқа юмушлар Узунда бир маромда давом этяпти.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

УНУТИЛГАН МАКТАБЛАР

Халқимизнинг асрий орзуси ижобат бўлди — Мустақилликка эришдик. Қисқа вақт ичида Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутди. Энди эса буюк давлатимиз корига ярайдиган комил инсонлар келажагимиз ворисларини тарбиялашдек муҳим вазифа турибди. Маънавиятни мустаҳкамлашда мактабнинг ўрни беқиёс. Хўш, айнан ҳозир Пешку туманидаги мактабларнинг аҳволи қандай?

Тан олиш керакки, барча соҳада бўлгани каби, халқ таълими тизимида ҳам ислоҳотлар муайян даражада амалга оширилмоқда.

Бу соҳада ишлаётган кадрларни жой-жойига қўйиш, ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш қўшимча синфхоналар, мактаблар қуришда ўз аксини топяпти. Лекин, назаримизда, бу билан муаммолар ечимини топяпти деб бўлмайди. Шундай мактаблар борки, кўриб ёқа ушлайсиз: шу ҳам билим масканими, харобанинг ўзи-ку?! Жамиятимиз тараққиётининг шиддати, янгича тафаккур шаклланиш жараёнига қандай мос келади? Бу ерда болалар руҳий олами, маънавияти, қай йўсинда шаклланади, ҳайрон қоласан киши.

«Туркистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 7-мактаб бундан 45-50 йил олдин қурилган. Ташқаридан қарасангиз дала шийпонига ўхшайди. Унинг на дарвозаси, на қоровули бор. Атрофини бегона ўт қоплаган, ҳамма ер ифлос. Мактаб ҳовлисида чорва моллари ўтлаб юрибди. Ичкаридаги манзара эса бундан беш баттар. Зал, синфхона деворлари нурай деб турибди, поллари чириган, на ёритилади, на иситилади.

— Бу ерда мактаб борлигини ҳокимиятдагилар, хўжалик бошқаруви раиси, қишлоқ фуқаролар кенгашидагилар биладими?

— Билишадию, келишмайдида, — дейди мактаб директори Баҳриддин Шаропов. — Шундай оғир шароитда 770 ўқувчига икки сменада 65 ўқитувчи таълим-тарбия беряпти. Ҳамиша бир кор-хол бўлмасин деган хавотирдамиз. 22 та синфхонасига кирган ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам кўнгли ёришмайди.

Директорнинг таъкидлашича, Қушчи қишлоғидаги мактаб аросатда қолганига анча бўлди. Киёвхўжа қишлоғида қурилаётган 624 ўринли мактаб вайрона ҳолида беш йилдан буён қурувчиларни кутиб ётибди. 6-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Нарзулла Файзиев ҳам, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Убайдулла Маҳмудов ҳам бу борада сукут сақлашни ўзларига афзал кўришяпти. Мактабга қадам ранжида қилишга юқорида номлари зикр этилганлар билан бирга Варахша қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ғайбулла Мусаев ҳам чўчиб турибди. Ахир, пилла, пахта териш мавсумида ўқувчилар мадади керак бўлаётган бир пайтда уларнинг тили узун бўлармиди?

— Мактаб — муқаддас даргоҳ саналган мудом, — дея ҳасратлашди 6-мактаб директори Ҳалил Қаҳҳоров. — Унда гўзаллик барқ уриб турмаса қандай завқ олади ўқувчи. Туйҳонага боргансиз — ҳаммаёқ мунаввар, кўз яшнайди, завқланасиз. Бизда-чи?

Директор мактабни кўздан кечиринг, ўзингиз ҳаммасини пайқаб оласиз дегандек бизни ичкарига бошлади. Чўпкори мактабни таърифлашга тил бормайди. Фақат бардошингга балли муаллим дейсиз холос. Пахта тозалаш заводи пинжида жойлашган мактабни бир тасаввур қилинг: шовқин-сурон, бунинг устига экология мудом бузилиб турса, ниҳоллар қуриётган, синфхоналар чўкиб бораётган пайтда ота-оналар болаларини ноилож мактабга юборишяпти. «Маданият» жамоа хўжалигида раис алмаштириш пойгаси поёнига етмаса, Хўжапешку қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдулла Хайруллаевнинг йўли билим даргоҳи томон тушмаса ҳам мактаб жамоаси сидқидилдан ишлаяпти. Улардаги масъулият, орият тушкунликка тушишга йўл қўймайди. Аксинча қийин шароитда унутилган мактабда ўқув-тарбия сусаймаслиги даркор!

21-мактаб шундоққина катта йўл ёқасида («Пахтаобод» жамоа хўжалиги ҳудудида) жойлашган. Ҳамманинг назари тушадиган мактабнинг ҳолига қараб ачинасан киши. Мослаштирилган мактаб биноси кўнгилдагидек таъмирланмаган. Синфхоналар, кутубхона томидан ҳар йили чакка ўтади. Қоровул Талаб Бобоевнинг таъкидлашича қишки иситиш мавсумига ҳамма нарса тахт, муаммо йўқ. Қойил-ей, ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди. Печкалар бор, карнайлар йўқ, поллардан қишда дувуллаб шамол ўтади. Йўллар тиззагача лой бўлади. Хуллас, биргина бу мактабда эмас, қаламга олинган илм даргоҳларида ҳам аҳвол бир хил. Мактабларнинг атрофи ўралмаган. Ўқитувчининг аҳволидан хабар олувчилар кам топилади.

Туман халқ таълими бўлими (мудири Сулаймон Эгамбердиев)дан олинган маълумотда кўрсатилишича, қирқта мактабнинг тенг ярми газлаштирилган, қолгани қишда кўмир билан ишлатилади. Ҳамма мактаб ўзининг оталиқ ташкилотига эга. Минг афсуски, улар мактаб сари юз бурмаяптилар. Биз бўлган мактабларда таъмирлаш ўлда-жўлда қолганлиги, қишга тайёргарлик талабга мутлақо жавоб бермаслиги бунинг яққол исботи эмасми? Ахир, бу ташкилотлар нўноқ экан, ҳокимиятдаги масъул мутасаддилар ҳам бунча ҳафсаласиз? «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир... Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир». Юртбошимизнинг бу сўзлари ҳаммамизни ҳамиша ҳушёр торттириши даркор!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

БОБОМИЗ БОҒИ

Бухороликлар буюк бобокалонимиз тўйини муносиб кутиб олиш тараддудини кўришяпти. Айниқса, бу борада жондорликлар ибратли ишларга қўл урдилар.

Бундан анча илгари тумандаги хўжаликлардан бирига буюк саркарда номи берилганди. Ҳозир ана шу хўжаликда бобомиз боғи барпо этиляпти. Жондорликлар таъбирича, бу боғ вилоятдаги энг гўзал гўшалардан бири бўлади.

Б. ДАВРОНОВ.



Кузги сокинлик.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Хорижда

ЧЕХИЯ НАТОГА АЪЗО БЎЛМОҚЧИ

• ПРАГА. АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Чехияни НАТОга қабул қилиш тўғрисидаги баеноти Чехия ҳукумати ва мухолифатчилар томонидан ижобий қабул қилинди. 1999 йили Польша ва Венгрия давлатлари қатори Чехия ҳам Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлади.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Иозеф Желенецнинг таъкидлашича, Чехия давлати 1999 йилда НАТОнинг комил ҳуқуқли аъзоси бўлажагига эндиликда ҳеч қандай тўсиқ ва шубҳа қолмаган.

ҚОНУНГА ИМЗО ЧЕКИЛДИ

• ВАШИНГТОН. Оқ уй раҳбари немис-фашистларнинг Иккинчи жаҳон уруши мобайнида содир этган жиноятларини кенг жамоатчиликка ошкор қилиш мақсадида «Ҳарбий жиноятлар ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш тўғрисидаги қонун»га имзо чекди.

Ушбу қонунга кўра, АҚШ Адлия вазирлиги, марказий разведка бошқармаси ва Пентагон ўз архивларидаги ўта махфий ҳужжатларни омма эътиборига ҳавола қилиб, кишиларнинг фашистлар ҳақидаги маълумотларини янада бойитади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ОҚИБАТИ

• МОСКВА. Россиялик мутахассисларнинг маълум қилишича, спиртли ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш мамлакатда аҳолининг табиий купайиш сурьати кескин пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мутахассислар аҳолининг катта қисми ичкиликка муккасидан кетгани туфайли, мамлакатда жиноятчилик, автомобиль ҳалокати, хасталик, бевақт ўлим, оила бузилиши ва бошқа нохуш ҳоллар кўпаяётганини ҳам афсус билан қайд этмоқдалар.

КУТУБХОНА МАЪНАВИЯТНИ ТАРҒИБ ҚИЛАДИ

Урганч шаҳридаги Раҳмат Мажидий номли кутубхона қошида маънавий ва маданий меросимизни, тарихимизни, урф-одат ва анъаналаримизни, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, маънавий тараққиётни тарғиб қилиш мақсадида маънавият ва маданий мерос бўлими ташкил қилинди. Бу бўлим марказий кутубхона ва унинг туманлардаги бўлимларига маънавият ва маданий меросга оид адабиётларни тўплаб беради, зарур пайтда уларга услубий ёрдам кўрсатади.

Ўз мухбиримиздан.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

ҚАШҚАДАРЁ. Талимаржон шаҳрида «Зангори экран» маиший хизмат кўрсатиш фирмаси ишга туширилди. Фирма аҳолининг телевизор, радио, магнитофон, холодильник, кондиционер, уй-рўзғор буюмлари ва тиббиёт ускуналарини созламоқда. 10 нафардан ортиқ ўз ишининг устаси ҳисобланган кишилар аҳоли хизматида. Шу кунга қадар фирмага келтирилган барча буюмлар ўз вақтида аҳолига мукаммал тузатиб қайтарилмоқда. Директор Ғофир Бозоровнинг саъй-ҳаракати ҳамда ходимларнинг ҳалол хизматлари туфайли фирма мавқеи кундан-кун ортиб бормоқда.

Шерхон ҚОРАЕВ.

"КЎМИР"

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
АЪЛО СИФАТЛИ ҚАТТИҚ ЁҚИЛҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАДИР!

"Ўзбеккўмир"

фирмаси турли маркадаги кўмирларни СОТАДИ

шунингдек, тошкўмир брикетларини ва қадоқланган кўмирни Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида жойлашган ёқилғи-савдо корхоналарининг вилоятлардаги улгуржи-чакана савдо омборларидан келишилган, арзон баҳода етказиб беради.

Хак тўлаш усули турлича:

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Нукус шаҳрида 3-26-11
Андижон шаҳрида 4-33-58, 4-54-59, 4-28-40
Бухоро шаҳрида 5-76-64
Жиззах шаҳрида 4-45-67
Қарши шаҳрида 4-48-10, 2-21-28
Наманган шаҳрида 3-75-48, 3-76-41
Навоий шаҳрида 4-52-11
Гулистон шаҳрида 25-48-56
Самарқанд шаҳрида 35-03-17, 31-15-61
Термиз шаҳрида 4-95-60, 4-95-62
Фарғона шаҳрида 24-53-79, 24-33-59
Урганч шаҳрида 6-41-05
Тошкент шаҳрида 44-53-54, 44-35-93, 41-78-40, 41-78-41.

Теран томирлар

ФИТРАТ ВА ШАХМАТ

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, атоқли олим ҳамда адиб, шоир ва драматург, адабиётшунос ва тарихнавис, профессор Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан мақолалар эълон қилинмоқда. Биз унинг яна бир фаолият қирраси билан ўқувчиларни таништирмоқчимиз.

Йигирманчи йилларда Ўзбекистонда нашр этилган вақтли матбуотни кўздан кечира туриб, ногоҳ ажиб бир маълумотга дуч келиб қолдик. «Аланга» журналининг 1928 йилда чиққан 3-4 қўшма сонида (15-16-бетлар) Фитратнинг «Шарқда шахмат» сарлавҳали мақоласи босилган экан. Қизиқ, худди ўша ерда, журналнинг 13-14-бетларида «Ўзбек нотаси» сарлавҳали ноёб мақола ҳам бор.

«Шарқда шахмат»дан парча: «...Абулфатҳ Аҳмад шатранж билан машғул бўлгон мана шу кишиларни кўрсатади: 1-Абубакр Муҳаммад ибн Яҳё ас-Сулий... 2-Ҳожа Ҳаким Абу Райҳон, 3-Абу Сахл Муҳаммад ибн Али ал Бадойи, 4-Адлий... Абдулфатҳ Аҳмаднинг сўзига кўра, бу кишилар шатранжда устод бўлиб, бу тўғрида китоблар ёзғонлар...»

Мақола сўнггида изоҳлар берилган: «Муаллифнинг мақташларидан машҳур Абурайҳоний бўлса керак...»

Ҳа, ўша Абурайҳоний, дегани Берунийнинг ўзгинаси бўлиши керак! Алломанинг бу китоби ҳам зора топилиб қолса...

Олимнинг қадимги ҳинд шаҳмати ҳақидаги маълумотлари тарихчиларга ҳозир ҳам ягона ва асосий дастак бўлиб турган экан, буюк қомусчи Ўрта Осиё шатранжи (ҳозирги замон шаҳматининг салафи)ни юксалтиришга, чунончи Абулфатҳ асари сингари нодир рисолалар пайдо бўлиши учун маълум даражада илмий ва амалий йўналиш яратишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган деб бемалол айтиш мумкин.

Кўриниб турибдики, зукко олим Фитрат ҳар қандай тарихий манбани ҳам тадқиқот асоси сифатида танлайвермаган. Шу боис кейинроқ Абулфатҳ рисоласи билан янада яқинроқ танишиш, уни дурустроқ ўрганиш иштиёқи туғилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг илмий ходими сифатида Шарқшунослик институти фондидаги бу нодир рисоланинг фотонусхасини олишга муваффақ бўлдим.

Рисола муқаддимасидан айрим парчалар келтирамиз.

«...Шуни маълум қилмоқчиманки, — дейди рисола муаллифи, — шатранж санъатдир ва барча адаблар орасида энг олижанобдир. Ҳокимлар йигинларида нард, руд (музика асбоби), шеърият қўлланилганидек, шоҳлар, олимлар, улуғлар, бозор аҳли ҳамда бошқаларнинг шатранжга қизиқишлари ғоят катта, улар ўз мажлисларида ҳамиша шатранж ўйнайдилар... Шатранжбозларнинг аксарияти одил кишилардир, бирор соат ҳам шатранждан фориғ эмаслар. Мен Абулфатҳ Сижзийдирман; шатранж устасиман ва бу борада шуҳрат қозонганман: умримнинг эллик йилини шатранжга бағишладим. Бу санъат устодлари ва муқаддимларидан кўрган-билганларимни, китоблардан ўқиб ўрганганларимни ёзиб чиқдим.

Мен замонамнинг бу санъат устодларидан 19 ёшимгача ўргандим. Ўшандан ҳозиргача ўтган 50 йил давомида кўп юртларни кездим, аммо бу санъатни мендан яхшироқ билувчи кишини кўрмадим. Агар бўлса, бу муддат орасида уни учратолмадим. Мен кўп санъатларга дуч келдим. Салафларим тузган мансубаларни рад этдим, ё тузатдимки, улар камчиликларини билмаган эканлар. Мен уларнинг шатранж бобида келтирган ажойиб санъатларидан яхшироқ санъатлар яратдим, ёки илгарилар яратганларини яна ҳам яхшироқ ва мукаммалроқ қилдим.

Шу муддат давомида шатранж мухтасарнинг менга дуч келган барча зарофат ва латофатларидан ҳозирги вақтда мавжуд ва қўлланиладиган яқин ва ажойиб нарсаларни тўпладим... Шатранж қоидалари, чунончи майдон ҳақида сўзлайман... Шатранж — гўзалликдир. Улуғлар шатранжни билганликларидан фахрланадилар»...

Қуйидаги парча ҳам ниҳоятда муҳим, ҳам кишини ҳайратга, таажжубга солади.

«Ҳожа ҳаким Бурайхон исломда тенги йўқ олим эди ва унинг шатранж бобида тузганлари ва бошқаларникидан келтирган мисоллари унгача мавжуд бўлган тузуклар орасида энг яхшиси ва ажойибидир.

Абурайҳон айтибдурким, шатранж тилсимот жумласидандир ва кўп кишиларга у роҳат бахш этиб ғамлардан холис қилган ҳамда улкан дардлардан фориғ бўлишган. Илон чаққан, заҳарланган кишилар, туғолмай азобда қолган ҳомиладор аёллар шатранж туфайли нажот топганлар. Бу ҳақда Муҳаммад Закарёйи ар-Розий ҳам гапириб ўтган...»

Бу парчанинг биринчи қисмидан маълум бўлиб турибдики, шатранж бобидаги Беруний тузуклари ҳозир ўрта аср шаҳмат рисолаларининг аълоси деб тан олинувчи Абулфатҳ китобига деярли асос бўлган.

Юқоридаги фикрларга мухтасар хулоса сифатида шундай дея оламиз: Ҳа, бундан минг йилча муқаддам Ўрта осиёлик Абулфатҳ Аҳмад қаламига мансуб, аслида шатранж рисолаларининг энг мукаммали деб тан олинган бу китоб профессор Фитратнинг тадқиқот манбаи бўлганлиги бежиз эмас. Фитратнинг мавжуд унвонларига «шахматшунос олим» деган иборани ҳам тиркаб қўйилса, ўринли бўлади.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
республикада хизмат кўрсатган шахмат мураббийси, тарих фанлари номзоди.

Дунёда тиш оғриғига дучор бўлмаган, умрида, ҳеч йўқса, бир марта тиш дўхтирига учрамаган инсонлар камдан кам топилса керак.

Бир пайтлар кундалик дафтаримга: «Тишларимга қараб раҳмим келади. Улар ҳам бошқа аъзоларимиз сингари битта ё иккита бўлганда эди, эҳтимол шу аҳволга тушмасмиди, асраб-авайлаган бўлармидим... Ҳамма бало — уларнинг ўттиз иккиталигида!» деб ёзиб қўйган эканман.

Қодиржон Пулатов Булоқбоши тумани марказидаги стоматология поликлиникасида бош шифокор. Уч ўғил ва бир қизнинг отаси. Рафиқаси Одина опа ҳам тиббиёт ходими. Қодиржон ака моҳир тиш дўхтирнинг эмас, ажойиб спортчи ҳам. Ўз улфатлари билан бирга якка кураш усули билан мунтазам шуғулланади. Ўзбекистон чемпиони Собиржон Тулашев ҳам ўша йигитларнинг сафидадир. Туйларга, тантаналарга даврабошилик қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки бир оғиз ортиқчароқ гап ёки жиндек ножўя ҳаракат билан кўпчиликнинг ҳафсаласини сўндириб қўйиш мумкин. Қодиржон ака ана шундай нозик ва мураккаб юмушни 20 йилдан бўён маҳорат билан уддалаб келади.



Тиш оғриғидан ёмони йўқ. Шунинг учун мен Қодиржон ака Пулатов билан фақат шу хусусда суҳбатлашмоқчи эдим. Лекин суҳбат мавзуси ўз-ўзидан кенгайиб кетди.

— Қодиржон ака, сизнинг ҳаётингиз бевосита тишлар билан боғлиқ. Соғ пайтида тишлар эсимизга келмайди. Лекин оғриб қолса, фикрлаш, гаплашиш у ёқда турсин, энг оддий юмушлар ҳам кўнглимизга сиғмай қолади. Лекин илгариги одамлар тишларининг қадрига биздан кўра кўпроқ етишган. Шундай эмасми?

— Яқинда бир дўстимнинг отасига иккита тиш қўйиб қўйдим. Пул берувди. Сиздан пул олсам уят бўлар, бор-йўғи иккитагина тиш бўлса, деб унамадим. Шунда отахон: «Одамзот ўзи биллан фақат тишларинигина обкетади. Сиз-ку, розидирсиз. Лекин у дунёдаги сўроқ-савол-чи! Нимага буларнинг ҳақини бермасдан обкелдинг, дейишса нима дейман. Нима, мен шу иккита тишни деб жаннатдан ажралайми!» деб тишларнинг ҳақини қолдириб кетди. Ростдан ҳам ўйлаб кўрсам, одамзот орттирган нарсаларининг ҳаммасини шу дунёга ташлаб кетаркан, тилла узук, зиракларини ҳам ечиб қолишади. Фақат солдирган тишларимизнигина ўзимиз билан обкетарканмиз. Мусулмонларда марҳумнинг тишлари обқолинмайди. Обқолишганда суғуртиришга бизни чақиртиришарди-да! Худога минг шукрки, 22 йилдан бери ишлаб бундай ҳолга дуч келмадим. Ана шундай эътиқод билан яшаганлари учун ҳам кексалар тишларига бошқача кўз билан — эҳтиёткорлик билан қарашса керак-да!..

— Нима учун кўпроқ аёлларнинг тишлари оғриркин? Улар тишларини яхши парваришлашмасмикин?

— Йўқ, бу фикр хато. Яхши парваришласа ҳам барибир аёлларнинг тишлари оғрийверади. Чунки она фарзандига борини беради. Шунинг учун ҳомиладорлик пайтида унинг бутун танаси мўрт бўлиб қолади: тишлари хасталанади, сочлари тўкилади, кўнгли нозиклашади ва ҳоказо. Бу ҳолатни табиий деб тушуниш керак.

— Ҳозир даволаш хусусиятига эга бўлган тиш ювиш пасталари, сақичлар кўп кўз-кўз қилиняпти. Нега тилла тишларни ҳеч тарғиб қилишмаскин деб ҳайрон бўламан...

— Олтин, энг аввало, юрт бойлигидир. Қолаверса, у минг йиллик синовлардан ўтган нодир металл ҳисобланади. Инсон танасини заҳарланишдан сақлайди, тозалайди. Чайнаганда маълум бир ионлар ажралиб организмга қўшиладида! Эсласангиз, бир вақтлар зиёлиларни эмас, теримчи, соғувчиларни кўп мақташарди. Шунинг учун тиллани кўп реклама қилишмайди. Хорижда қўпроқ чиннидан ошоқ садаф тишлар қўйилади, уларни ҳар икки-уч йилда янгилаб, алмаштириб туриш керак. Бизда бунга имконият ҳам, ҳафсала ҳам етишмайди. Шунинг учун ўзбекнинг «темир хотинлари»га темирдан, имкон бўлси тилладан тиш қўйиш керак, аслида.

— Зиёлилар ҳақида яхши гап очдингиз. Қишлоқдаги маърифат, маданият, маънавият даражаси ҳақида нима дея оласиз?

— Янги иш бошлаган пайтларимда билмаган нарсаларимни катталардан сурашга тортинсам, китоблардан, газета ва журналлардан ўқиб ўрганиб олардим. Ҳозирги ёшларнинг ишқи билан тоғларни чополган-ку!

— Кўнглингизга олмангу, эркаклар орасида фалончи хотинидан қўрқаркан деган гап кўп ишлатилади. Шу гапга сиз қандай қарайсиз?

— Ота-она бир кунмас-бир кун ўтиб кетади. Ака-укадан ҳам узоқлашишга тўғри келади. Бола-чақангиз ҳам уйлижойли бўлади. Ана шундай пайтда истайсизми-йўқми, барибир, хотиннинг қўлига қоласиз, кунингизга ўша ярайди. Шунинг учун «манаман!» деб юрган эркаклар ҳам бора-бора хотинидан «қўрқадиган» — унинг гапига кирадиган, авайлайдиган бўлиб қолади, деб ўйлайман.

— Қодиржон ака, тўйларга бош-қош бўлиб юрадиган одамсиз. Шу ҳақда ҳам гаплашсак...

— Ҳозир водийда ғалати бир одат бор. Келин ЗАГСдан кейин куёвникига зиёфатга боради. Кечқурун келинни бира тўла ўша уйга кучириб келишади. Яқинда битта келин ўшандай зиёфатдан ўйнаб кулиб кетадию, кечқурун додвой, йиғи-сиғи қилиб қаршилик кўрсатаётганда аммаларидан бирининг юзига қаттиқроқ тепиб юборибди. Шу мантиққа тўғри келадими ҳеч? Ана шунга ўхшаш зиёфатлар ҳақида ҳам бир ўйлаб кўрилса бўлади.

Биз шундай халқмиз

ОИЛАНИНГ «БИСМИЛЛО»СИ

Ёшлик даврингиз ўтган сари у туйгу мукаммалашади. Аёлнинг ташқи қиёфасигагина эмас, ички дунёсига ҳам мафтун бўлиш, унга ҳар томонлама баҳо бериш даражасига етасиз. Ҳатто у сизни севмаса ҳам севиб яшайверишингиз мумкин. Муҳаббат одамга куч, қанот бағишлайдиган машъал. Фарҳод ҳам унчалик баҳайбат паҳлавон бўлмаган, лекин Ширининг ишқи билан тоғларни чополган-ку!

— Кўнглингизга олмангу, эркаклар орасида фалончи хотинидан қўрқаркан деган гап кўп ишлатилади. Шу гапга сиз қандай қарайсиз?

— Ота-она бир кунмас-бир кун ўтиб кетади. Ака-укадан ҳам узоқлашишга тўғри келади. Бола-чақангиз ҳам уйлижойли бўлади. Ана шундай пайтда истайсизми-йўқми, барибир, хотиннинг қўлига қоласиз, кунингизга ўша ярайди. Шунинг учун «манаман!» деб юрган эркаклар ҳам бора-бора хотинидан «қўрқадиган» — унинг гапига кирадиган, авайлайдиган бўлиб қолади, деб ўйлайман.

— Қодиржон ака, тўйларга бош-қош бўлиб юрадиган одамсиз. Шу ҳақда ҳам гаплашсак...

— Ҳозир водийда ғалати бир одат бор. Келин ЗАГСдан кейин куёвникига зиёфатга боради. Кечқурун келинни бира тўла ўша уйга кучириб келишади. Яқинда битта келин ўшандай зиёфатдан ўйнаб кулиб кетадию, кечқурун додвой, йиғи-сиғи қилиб қаршилик кўрсатаётганда аммаларидан бирининг юзига қаттиқроқ тепиб юборибди. Шу мантиққа тўғри келадими ҳеч? Ана шунга ўхшаш зиёфатлар ҳақида ҳам бир ўйлаб кўрилса бўлади-да шу нарса йўқ. Мана японларни қаранг: кичкинагина халқ, жисмоний жиҳатдан жуда ҳам кучли эмас. Лекин илм билан дунёни титратиб, ҳайратга солишяпти.

— Сиз учун кутилмаган савол: муҳаббатга ишонасизми?

— Муҳаббатга ишонаман. Ёшликдаги муҳаббатингиз бошқачароқ бўлади, лекин лин-куёв бир-бирлари учун ҳалол бўлганларидан сўнг етаклашиб ЗАГСга боришса чиройли бўлади. Оиланинг «бисмиллоси» — никоҳ-да!

— Тўйларни бошқариш ҳам осон эмас-а?

— Албатта. Ашулани 100 марталаб айтсангиз ҳам айб қилишмайди. Лекин битта гапни иккита тўйда кетма-кет такрорласангиз сийқаси чиқади. Ҳар битта тўйга янги гап топиш ҳам қийин. Мен битта нарсадан кўнглим тўлмайди: биздан ошпазлар, қурувчилар, ўқитувчилар, умуман жуда кўп касб эгалари учун маслаҳат китоблари бор. Лекин тўй бошқарувчилар — даврабошилар учун ҳеч қандай қўлланма йўқ. Шунинг учун мен шогирд укаларимга нафи тегиб қолар, деган мақсадда тузган сценарийларимни ҳар доим ёзиб бораман.

— Қодиржон ака, нима учун спортнинг айнан якка кураш тури билан шуғулланасиз?

— Жангга яккама-якка чиққанда ютуғингизни ҳам ҳеч ким тортиб ололмайди, хатоингизни ҳам бировга ағдаролмайсиз. Ўғилларимнинг уччови ҳам шу якка курашга тушишади.

— Ота-ўғиллар ўртасида «сўз жанги» ҳам бўлиб турадими?

— Келишмовчиликлар оз-моз бўлиб туради. Ўғилларим мени тушунишмаса хафа бўлмайман. Чунки улар тушуниш учун мен юрган йўлларни босиб ўтган бўлиши керак-да!

— Одамзотнинг бахтиёр бўлиши учун энг муҳим омиллар нима, сизнингча?

— Тинчлик ва саломатликни саодат йўлининг икки қирғоғи деб биламан. Шу иккиси ўз жойида бўлса, одамзот ҳеч қачон издан чиқмайди, ҳалокатга учрамайди.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири
Замира ЭГАМБЕРДИЕВА
суҳбатлашди.

Эшитмадим деманглар!
Фақат "Осиё бозори" обуначилари учун!
Газета бундан буён ўз саҳифаларида кроссвордлар, топқирлик машқлари, муаммономалар, жумбоқли топишмоқлар, турли лотерея ўйинларини бериб боради. Кимки барча саволларга тўғри жавоб топса, таҳририятнинг қимматбаҳо совғаси (телевизор, видеомагнитафон, фотоаппарат, диктафон ва бошқа буюмлар)га эга бўлади.
Эслатиб ўтамиз: Сиз бунинг учун энг аввало "Осиё бозори"га 1997 йил учун обуна бўлишингиз шарт. Шундагина сизнинг жавобларингиз эътиборга олинади.

"ОСИЁ БОЗОРИ" ИНДЕКСИ 64742 (якка обуначилар учун). 64567 (ташкилотлар учун).

БАҲОСИ - БОЗОР НАРХЛАРИДАН АНЧАГИНА ПАСТ!
Тел: (8-3712) 41-82-37. Факс: (8-3712) 41-54-90.

Спорт

ЯКУНЛОВЧИ ЎЙИНЛАР

Мамлакатимизда футбол мавсуми якунланишига саноқли кунлар қолди. Бу сафар қайси жамоанинг чемпион бўлиши ҳам ойдинлашиб боряпти. «Навбаҳор» футболчиларига битта ғалаба кифоя. Кеча наманганликлар «Янгиер» жамоасини қабул қилишди. Бугун эса 29-турнинг яна тўртта учрашуви бўлади: «Нурафшон» — «Атласчи», «Пахтакор» — «Трактор», «Косонсой» — «Динамо» (С), «Динамо» (У) — «Машъал».

ЎСМИРЛАР КУРАШ ТУШГАНДА

Нукусда эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги ўтказилди. Майдон эгаларидан Р. Бобожонов, Н. Болтаниёзов, Б. Қосимбетов, Р. Жабборбергеновлар зафар қўлдилар. Шунингдек, самарқандлик, К. Давлатов, Ш. Илёсов, А. Мирзаев, жиззахлик О. Пардақулов ва хоразмлик И. Жуманиёзовлар ҳам ғолиблик супасига кўтарилишди.

"ЙЎЛОВЧИ"
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
мамлакатимиз автотранспотчиларини касб байрамлари билан самимий қутлайди. Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, хайрли сафарларига оқ йўл тилайди.
"Йўловчи" билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи барча корхона ва ташкилотлар, фирмалар учун эшигимиз доимо очиқ. Автомобилларга зарур бўлган турли эҳтиёт қисмларни етказиб беришимиз мумкин.
Биз билан ҳамкорлик-муваффақият гаровидир.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси,47.
Тел: (3712) 54-93-07. Факс:(3712) 54-76-31.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Иқтисодиёт, бизнес мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олийгоҳи жамоаси директор ўринбосари, доцент А. Р. Боқиевга онаси **Карима БОҚИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Вниманию руководителей автопредприятий!
Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает к реализации автомобилям

Наименование продукции	Ед-ца измер	Количество	Цена за ед-цу
ГАЗ-24			
Фильтр масляный	шт	423	100
Втулки резбовые с болтами (на 1 автомобиль)	к-т	27	1980
Шаровые пальцы рулевых тяг (на 1 автомобиль	к-т	21	2889
ГАЗ-53			
Клапан впускной	шт	43	206
Клапан выпускной	шт	36	206
Кардан в сборе Г-52	шт	17	9000
Шкворня (на 1 автомобиль)	к-т	6	1510
Трос спидометра L=1,3	шт	7	590
Вкладыши коренные	к-т	17	1000
Вкладыши шатунные	к-т	18	900
Прокладка головка	шт	100	540
Диаграфма бензонасоса	шт	200	144
Выжимной подшипник	шт	18	1200
ЗИЛ-130			
Прокладка гол.блока	шт	102	495
Крестовина в сборе	к-т	73	500
Кольца прошневые Р-100.5	к-т	244	720
Кольца поршневые Р-101.0	к-т	262	720
Шкворня	шт	46	840
Втулки шкворней	шт	2509	30
Трос спидометра L-1.5 м	шт	49	590
Распредвал	шт	1	1575
Поршень (стандарт)	шт	126	700
Накладки тормозные (задние, широкие)	шт	170	190
Синхронизатор 4-5 передачи	шт	20	2160
КАМАЗ			
Прокладки гол.блока с уплот.(на 1 двигатель)	к-т	8	2200
Прокладки клапанной крышки (на 1двигатель)	к-т	105	1480
Вкладыши шатунные р-2 и р-3	к-т	8	3800
Фильтр воздушный	шт	35	2885
Палец поршневой	шт	25	1190
Кальцо на помпу	шт	17	81
ТЕНТ-54117	шт	1	60000
Плунжерные пары	шт	0	2320
Распылитель	шт	280	960
Крестовина в сборе	шт	13	960
Накл. тормозные (задние)	шт	261	270
Фильтр масленный	шт	840	250
Ремень 1320	шт	519	280
Коромысло клапана	шт	10	400
Фрикционные накладки (со стружой) А/С	шт	1368	300
Датчик электроспидометра МЗ-307 (12-24в)	шт	32	1392
Трос спидометра L-3.00	шт	27	590
Выжимной подшипник	шт	30	2184
Гильза поршень	к-т	24	4200
МАЗ			
Вкладыши шатунные	к-т	14	2200
Вкладыши коренные	к-т	11	2200
Накладки тормозные ЛИАЗ,ЛАЗ,ИКАРУС,(зад)	шт	940	350
СУПЕРМАЗ (зад)			
Накладки тормозные МАЗ-500 3502105 (зад)	шт	179	300
Радиатор Супер МАЗ	шт	10	36000
Радиатор ЛАЗ-695	шт	10	36000
Фрикционные накладки а)	шт	336	400
б)	шт	17	465
в)	шт	629	400
Палец ЯМЗ (поршневой)	шт	8	506
КПП МАЗ-200 (ЛАЗ 699.УРАЛ 975)	шт	4	100000
Прокладки головки блока ЯМЗ-238	шт	50	1560
Распылитель	шт	120	540
Подшипник выжимной	шт	6	1920
Сальник коленвала ЯМЗ	шт	5	460
Накладки тормозные МАЗ-200 3502105 А/С	шт	1100	180
КРАЗ			
Накладки тормозные МАЗ-200 3502105 АС	шт	1100	180
ПРОЧЕЕ			
Ремень 1250 (Икарус)	шт	101	300
Пистолет заправочный	шт	52	1300
Трос спидометра L-0,3	шт	50	460
Ключи гаечные (накидные, набор головок)	шт	21	1000
Куртки ватные а)	шт	53	510
б) телогрейки	шт	940	540
Спец одежда (Костюм брюки ХБ)	шт	925	590
Пудра алюминевая	кг	180	540
АВТОЛАМПЫ В АССОРТИМЕНТЕ			
АКГ 24-70	шт	85	182

Оплата по перечеслению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07. Факс: (3712) 54-76-31.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. АҲМАД, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26,845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА